



ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Қозоғистон ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисовни қабул қилди. Учрашувда минтақавий хавфсизлик, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда транзит тартиблари, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги чегара делимитацияси билан боғлиқ масалалар хусусида суз борди.

14 ДЕКАБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ШАХРИДА, ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА ИККИНЧИ ЧАКИРИК ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛАДИ.

Кеча Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг бўлиб ўтган йиғилишлари Олий Мажлиснинг тўртинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар муҳокамасига бағишланди.

Жаҳон Божхона ташкилоти (ЖБТ) Бош директори Мишель Даненнинг мамлакатимизга ташрифи яқунлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонасида Қорақалпоғистон Республикасида сув танқислигини бартараф этишга бағишланган маъбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Осие Тараққиёт банки «Кам таъминланган оилалар сонини камайтириш» ҳудудий лойиҳасини тайёрлаш бўйича техник ҳамкорлик миссияси аъзолари Ўзбекистон Оксқоқлар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика Бошқарувида бўлиб, ўз режалари билан ҳамкорлик қилиш доирасида мулоқот ўтказдилар.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бугунги кунда нафақат муайян бир мамлакат ёки минтақа, балки бутун дунё ҳамжамияти олдига турган муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Бухорилик олим мутахассислар билан Германияда фаолият кўрсатаётган «Ф.Эрберт» жамғармасининг Тошкентдаги ваколатхонаси ходимлари иштирокида ўтган давра суҳбати ана шундай ҳамкорликни қуйайтиришга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида ҳўжалик судлари ташкил этилганлигининг 9 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасида замонавў француз ёзувчиси Жан-Мари Гюстав Ле Клезоннинг ўзбек тилига ўғирилган «Мондо ва бошқа ҳикоялар» номли китобининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Кўқон ўрмон ҳўжалиги жамоаси олис Франциядан – Саноатга кўмаклашув асоциациясидан мактуб олди. Асоциация президенти жаноб Бернер Муссон имзолаган ушбу мактубда Кўқон ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқаришдаги барқарорлик ва узлуқсиз тараққиёт, маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар сифати учун асоциациянинг олтин медалига сазовор бўлганлиги ҳақида хабар қилинган.

Кеча кардиологларнинг IV курулоти очилди. Унда Ўзбекистон кардиологлари илмий-амалий уюшмасининг ўтган давр ичида қилинган ишлари бўйича ҳисоботи тингланди.

ЖАҲОНДА

Бугун Россия Президенти Владимир Путиннинг Кубага уч кулик ташрифи бошланди.

АҚШ Президенти Б. Клинтон Шимолий Ирландия ва Буюк Британияга ташриф буюрди. Бу унинг мамлакат Президенти сифатида энг сўнгги ташрифи бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига шу кунгача Ўзбекистоннинг икки тарихий обидаси – Хеватдаги «Ичон қалъа» ва Бухоронинг тарихий маркази қиртилган эди. Жаҳон мероси қўмитасининг ноябрь ойи охирида Австралияда бўлиб ўтган йиғилишида мазкур рўйхатга дунёдаги нобъ тарихий ёдгорликларнинг 61 таси қаторига Ўзбекистоннинг Шахрисабз шаҳри ҳам киритилди.

Бельгияда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазириларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Нью-Йоркда ядровий хавфсизлик бўйича маслаҳат кенгаши гуруҳининг мажлиси бўлди.

Исроил ҳўкумати Яқин Шарқ моҳираси кескинлашувига сабаб бўлган омиллари аниқлаш мақсадида тузилган Халқаро комиссия билан ҳамкорлик қилишга розилик берди.

Кеча Туркияда Эфиопия ва Эритрея мамлакатлари ўртасида икки йил давом этган урушдан сўнг тинчлик битими имзоланди. Ушбу маросимда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби К. Аннан ва АҚШ давлат қотиби М. Олбрайт қатнашдилар.

Лондон кўчаларида 15 мингдан ортиқ талаба намоийиш уюштирди. Улар ҳўкуматдан Буюк Британия олий ўқув юрталарида жорий қилинган пуллик таҳсил тартибининг бекор этишни талаб қилмоқда.

Иккинчи дунё микўсида исийтгани Болгария табиатида ҳам салбий таъсир этмоқда. Маҳаллий табиатшунослар яқин 10 йил ичида Болгарияда доимий сув танқислиги бошланди ва бу курғоқчилик 50 йилгача чўзилиши мумкин, демоқда.

Бугун Италияда трансмиллий жиноятчиликка қарши ҳамкорликда кураш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Унда 142 мамлакатдан вакиллар қатнашиши кўтилмоқда.

Ироқ Президенти Саддам Ҳўсейн яна Фаластинга моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Бунинг учун 1 миллиард евро ажратилади, деди Президент.

Наполеоннинг қабри қаерда? Лозанна қадимшунослик музейида ушбу савол атрофида баҳо-мунозаравлар бўлиб ўтмоқда. Тарихдан маълумки, Наполеон сўнгги кунларини Авлиё Елена оролида ўтказган. Бироқ олимлар император қабри ушбу оролда эканига шубҳа билдирмоқда.

Дехлида шахмат бўйича ФИДЕ таснифи бўйича жаҳон чемпионати давом этмоқда. «Новак-система»да ўтадиган 72 шахматчи курашадиган биринчиликда ҳамкоримиз Р. Қосимжонов биринчи босқичда россиялик Т. Требуговни мағлуб этди.

«Манчестер Юнайтед» клуби 2000 йил якунига кўра яна дунёдаги энг бой клуб деб эълон қилинди. Уларнинг бу йилги даромадлари 166 миллион долларга тенг бўлди. Иккинчи ўринни «Бавария» (Германия) – 125 миллион, учинчи ўринни «Реал» (Испания) – 114 миллион маблаг билан эгаллаб турибди.

Саноат ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Пойтахтимиздаги «Тошсўт» ҳиссадорлик жамиятида айни кунларда 20 хилдан ортиқ сўт ва сўт маҳсулотлари тайёрланиб, шаҳримиз аҳолиси дастурхонига тортиқ этилмоқда.

Ушбу маҳсулотлар орасида жорий йилда ишлаб чиқарилган 200 граммдан кадоқланган сариёғ, юмалок ҳамда колбаса шаклидаги пишлоқ бор. Улар Янги йил арафасида ҳамшаҳарларимизни албатта мамун этади. Шунинг билан ушбу маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулот сифатида ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Дилноза ГИЁСОВА.

Касаба уюшмаларида ҲАМКОРЛИККА — КЕНГ ЙЎЛ

Касаба уюшмалари жамиятда меҳнатқиларнинг иқтисодий-иқтисодий манфаатларини ҳимояловчи муҳим бўғинлардан ҳисобланади. Шуниси эътиборга молики, кейинги пайтларда шаҳар ҳокимлиги ва пойтахт Касаба уюшмалари Кенгаши билан ишчи-хизматчилар манфаатларини муҳофаза қилиш йўлида ушбу ҳамкорликда амалга ошириш, бу борада янги самарали йўналишлардан фойдаланиш ишлари кенг йўлга қўйилди.

КЕЧА

Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгашида ҳамкорликдаги фаолиятини янада кучайтириш ва келгусидаги режаларни белгилаб олиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустам Шоабдурахмонов, пойтахт Касаба уюшмалари Кенгаши раиси Мирзохид Содиқов, шаҳар тармоқ касаба уюшмалари қўмиталарининг раислари иштирок этди.

Йиғилишда меҳнатқиларга энг яқин бўлган жамоат ташкилоти — касаба уюшмаларининг фаолият самарасини янада ошириш мақсадида шаҳримиздаги барча туманларда касаба уюшмалари жамоат Кенгашларини тузиш тўғрисида келишиб олинди. Шунингдек, жамоа шартномаларини тузишнинг янги усуллари муҳокама қилинди, кириб келётган Янги йил байрами режалари юзасидан маслаҳатлашиб олинди.

Ўз мухбиримиз.

Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари

ҚОРАҚАЛПОҚ, ЎЗБЕК — БИРГА ЎСГАН ЭЛ, ТОТУВ ЯШАБ, МЕҲРИ КЎЗГА ТУШГАН ЭЛ



Шоирона ушбу сатрлар замирида нақадар катта маъно бор. Чиндан ҳам ўзбек билан қорақалпоқ бирга ўсиб, тотув яшаб, меҳри кўзга тушган халқлардир. Улар ўртасидаги қадимий ва азалий дўстлик ва қардошлиқ ришталари мустаҳкамланганидан мустаҳкамланиб, тобора янги мазмун ва маъно касб этиб бормоқда.

Мустақил давлатимизнинг кўҳна ва навқирон, гўзал пойтахти Тошкент шаҳри яна бир кўтулғу воқеа арафасида турибди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра 15-18 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари ўтказилади. Қорақалпоғистон маданияти кунларининг ўтказилиши мамлакатимиз халқларининг миллий қадриятларини ривожлантириш, миллатлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш, қорақалпоқ халқининг маданияти ва санъати ютуқларини янада кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу маданият кунларининг дастури нўҳоят даражада ранг-баранг бўлиб, тадбир довомида шаҳарликлар, пойтахтимиз меҳмонлари ушбу санъат байрами тантаналарининг бевосита иштирокчиси бўладилар. Тошкент шаҳрининг энг муҳташам томоша заллари меҳмонларимиз санъатининг улкан саҳнасига айланади. Қорақалпоғистон маданияти кунларида санъаткорлар, рассомлар, шоир ва ёзувчилар билан мароқли учрашувлар ва бошқа бир-биридан ранг-баранг тадбирлар ўтказилади. Ана шу тадбирлар ҳақида, қорақалпоқ санъати, адабиёти, маданияти намоёндаларининг ушбу катта дўстлик ва санъат байрамига кўрган лўхта тайёргарликлари, уларнинг ижод намуналарини билан бугунги «Оқшом» газетасининг 2 ва 3-саҳифаларида ёритилаётган мақолалар орқали танишишингиз мумкин.

Мамлакатимизда жумладан, унинг бош шаҳри — пойтахтимизда яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг саккиз йиллиги тантаналари кенг нишонланди. Шу муносабат билан Туркистон саройида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз сўзлаган нўҳут шў кунларнинг энг муҳим сиёсий воқеаси бўлди. Чунончи, Юртбошимиз нўҳутларида Асосий Қонунимизнинг инсонпарварлик моҳияти чўқур очиб берилиши билан бирга, унда ифодаланган тамойилларга амалда қатъий ва изчил риоя этиш заруратида алоҳида эътибор берилди.

Муносабат

ҲУҚУҚИЙ ОНГЛИК — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Ҳақиқатан ҳам жамиятимизда демократик тамойилларнинг чўқур илдиш отишига эришишда фақат ҳуқуқий асосларни яратилиши ўзининг кифоя қиладими? Асло йўқ. Ақинча, қонунарга ҳамда уларнинг муҳимаси ифодаси бўлган Конституциямиз белгилаб берган қондаларга жамият барча аъзолари онгли равишда амал қилишлари эришиш, янада аниқроқ айтганда, қонуналарнинг чинакам устуворлиги таъминлангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Айниқса, қомусий бош ҳўжжат — Конституциямизда белгилаб берилган фуқаролик ҳуқуқлари, бурч ва масъулиятларимизнинг ҳар бирини жўда аниқлик билан, бутун қўл эътироси ҳамда ақл-заковатимиз билан чўқур ўзлаштириб олишимиз шарт. Ана шундангина мансаб курсида ўтирганлар ҳам ўзларини масъулиятдан соқит ҳолда ҳис эга олмайдилар. Ана шунда ҳар бир оддий фуқаро қонулар бузилишининг ҳар қандай кўринишига лўқайд қараб туролмайди. Нўҳоят ана шундангина ҳар биримиз Конституциявий бурч ва масъулиятларимизга ҳаётий зарурат сифатида қарайдиган бўламиз.

Бунинг учун эса Республика Конституциясини ўрганишни боғчадан бошлаб, мактаб, олий ўқув юрталарида узвий равишда ўргатиш борилиши йўлга қўйилиши керак. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, унга фақат фуқаролик ҳўқуқ ва мажбуриятлари ифодаси сифатида қарамай, балки миллати, тили, ди-

бий таъсир ўтказмоқда. Шу билан бирга, ўз ҳақ-ҳўқуқларини чўқур билиб олиб, уларга қатъий риоя этилиши учун курашиш тўғрисида ҳали тўла шакланмаганлиги ҳам сабаб бўла-япти.

«Олдимизда турган барча гўв ва тўсиқларни энгши жараёнда», — деб таъкидлаган Президентимиз ўз нўҳутларида, — ҳаммамиз учун энг таъсирчан қурола айланганидан кўч — бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият тўғрисида қарор топтиришдир».

Шу муносабат билан ҳаётимизнинг бугунги аниқ ҳақиқати сифатида икки салбий ҳолат ҳам тилга олинди. Улардан бири мансабдор шахсларнинг ўзларини халқ томонидан танланган, шу халқнинг хизматчиси деб эмас, балки ҳўқдордек иш тутишлари, ўзларини бошқалардан устувор қўйишлари, буйруқбозликка мойилликлариде ифодаланади.

Иккинчиси эса, собиқ шўро тузуми тартибларига қарама-қарши ўлароқ фуқароларнинг хўсусий мулкка эга бўлиш ҳўқуқлари билан боғлиқ ҳақиқат. Ишбилармонлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик ҳаракати кенг йўл очилиб, мулкдорлар табақасини шакллантириш тамойиллари Асосий Қонунда аниқ-равшан белгилаб берилди. Бироқ, Конституциямиз белгилаб берган ана шу тамойилни амалда ҳаётга жорий этишда ҳам кўпгаб тўсиқ ва ёғлар бўлиб, товланмачиллик ва сансалорлик иллатлари тўғноқ бўлаяпти.

Нима учун шундай бўлапти? Албатта, эски тузум сарқитлари — одамлар қон-қонига сингиб кетган кўрқув, бефарқлик ҳамда куллик психологияси бу, ерда жиддий сал-

Шаҳар ҳўжалиги мавзўида

қиб қолди. Бунисида энди нима дейсиз? Келинг, йўлимизда яна давом этайлик. Сергели-4 даҳасининг Г-24 мавзесидеги тўққизинчи уй, ун тўртинчи хонадон ва унинг соҳиби кетаверса қарзини тўлаш учун машинасини сотишига тўғри келади.

Гарданидаги қарзини тўламаётганлар бисёр, лекин вақтимиз тигиз бўлганлигидан яна бир «миллионер» уйга —

Маълумки, «Оқшом» мухбирлари у ёки бу мавзўда жойларга бориб мавжуд нўҳсон ва муаммоларни ўрганишни ўзларига яқини одат қилиб олганлар. Ана шу амалиётга яна қайтиш фўрсати келди. Бунинг сабаби оммавий ахборот воситалари саҳифаларида бот-бот аҳолининг фойдаланган коммунал фойдаланиш хизматлари ҳақида тўламаётганликлари ҳақидаги чиқишлардир.

ҚАРЗИНГИЗНИ НЕГА ТўЛАМАЙСИЗ?

Тожибой Мирхонновнинг қарзи қанча эканлигини биласизми? Унинг қарзи 121 минг сўмга етибди. Унинг айтишича, бу йилдан бўён ишсиз экан. Ҳозирги пайтда 1170 вакант ўрнини тақлиф этаётган меҳнат бижрасидан ўзини қарзида бириш у тополмайди. Чунки ишга кирганидан кейин тер тўкиб меҳнат қилиш керак-да. Бунинг эса у хоҳламайти, балки ўз машинада қирақашликни маъкул қўради. Аҳвол шу тахлитда

Кўйлик-7 мавзесидеги 4-уйга тезроқ боришга ошиқдик. Бу ўйининг қандай қилиб «миллионер» уйга айланганлигини биласизми? 2 миллион 900 минг сўм қарз уй гарданида бўлганидан кейин бу уй «миллионер» бўлмасдан қайси уй «миллионер» бўлади? Бу маблагни 108 та хонадонга бир бўлини-а. Тўғри, бу уйда ҳам ўзларининг фуқаролик бурчларини бажаришга етарли тарзда қараётган кишилар бор. Бироқ, ундай

айтилган 4-уй жойлашган Жомий маҳалласи бўйича 19 миллион сўм қарз тўланиб қолган. Бу ерда бор-йўғи 38 киши қарзини тўлаган ҳолос. Лекин ҳамма гап масъулиятда қолган. Текширув пайтида бизга ҳамроҳ бўлган прокуратура терговчиси Алишер Хасанов вазиятни бизга тушунириб берди. Аввалига ўша биз бораётган «миллионер» уйга ойига икки марта гарданидаги қарзини ун қўнлик муддат ичида узини т-

лаб қилувчи эслатма қозони юборилган. Ақс ҳолда «иссиқ ва совуқ сув узиб қўйилади» деган сўзлар бу эслатма ҳақида уқтирилади. Ҳўш, шундан кейин аҳвол нима бўлади? Шундан кейин одамлар

телевизори, музлаткичидан айрилиб қолиши мумкин. Таассуфки, амалдаги қончилик бўйича ун жиний жа-вобгарликка тортиб бўлмайди.

Текширувимиз анча давом этди, қарзини тўламаётганлар ҳақида ҳам бир нўҳча фикр юритдик. Шу ўринда яна бир оила — Бобоқоновлар оиласи ҳақида тўхталиб ўтишни жўда ҳам хоҳладик. Ҳўш «миллионер» уйдаги 38-хонадонда бу оила истиқомат қилади. Оиланинг умумий қарзи унчалик кўп эмас, «бор-йўғи» 74 минг сўмдан кўпроқ. Оила бошлиғи ва хонадон учун маъсул бўлган ота тўрт йил муқаддам 3-автомобилдан ишдан бўшаган. У ҳам меҳнат бижрасидан ишни топишни ўзинга раво қўрмаган. Фақат оилада яшаётган одамларга ачинасан киши. Исти-тиш ва бошқа хизматлар учун тўлашга пул йўқ, лекин уннинг хонадонини европача таъмирлашдан чиқарган қайни-

си бор, ўзининг чиройли ва киши диққатини тортадиган тижорат дўкони бор. Фақат у бир нарсани хоҳламайти — гарданидаги қарздан қутулишни хоҳламайти. Бу ўринда шаҳарга ҳўжат бўлмас керак.

Хонадонни иссиқ, совуқ сувлардан узиб қўйиши? Қувурларни узиб қўйиш ҳаммадан ҳам осон нарса. Лекин унинг ҳам йўллари ни топишти — бу қувурларни усталарни ёллаган ҳолда яна ўз холига қайтариш уларга унчалик қийинчилик туғдирмайди.

Қардорлар ҳақидаги бугунги мулоҳазаларимиз охирида яна уч кишини келтириб ўтишни лозим топдик. Мирҳамедовлар, Рихсиевлар, Раҳматовларнинг оиласи 162, 147, 138 минг сўм қардор бўлиб қолган. Уларнинг бу қарзлардан қанча узилишларини ҳозирча ҳеч қим билломай турибди.

(Ўз мухбиримиз).

— Хурматли Кенгесбой Юсупбоевич, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, шу йилнинг 15-18 декабрь кунлари Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари бўлиб ўтади. Мазкур қарор ва унинг аҳамияти, уни амалга оширишга боғлиқ тадбирлар тўғрисида гапириб берсангиз?

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси халқларининг қадимий миллий қадриятларини ривожлантириш, миллатлар ўртасида ўзаро дўстликни янада мустаҳкамлаш, Қорақалпоғистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг тарғиб қилиш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси ва ҳукуматининг мазкур мазмунидаги тадбирини шу йилнинг 15-18 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан қўллаб-қувватланди. Республика Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларини ўтказиш ташкилий қўмитаси таркиб топди, маданият кунларининг тадбирлар дастури тасдиқланди. Айни кунларда мазкур қарор асосида маданият кунларини ўтказишга тайёргарлик ишлари ниҳоятда қизғин бормоқда.

Мамлакатимиз халқлари ўртасида дўстлик, аҳилликни кучайтириш — Юртбошимиз олим бораётган одил сўбатнинг таянч устунларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, халқларимиз ўртасида бир-дигарга, ҳамжиҳатликни янада ривожлантиришда маданият, адабиёт ва санъат аҳли ҳамиша олдинги сафларда туриб, енг шимирли, меҳнатда ва ижодда ҳамдам-ҳамқандам боришлари хайрли иш. Демак, ижод аҳлининг, шоиру адибларнинг, рассомлар, санъаткорларнинг, маданият арбобларининг ижодий мулоқоти, истеъдодларнинг кўриги бўлажак бу ўрашувлардир.

— Ана шу ўрашувлар, ижодий мулоқотлар ҳақида батафсилроқ айтиб бера оласизми, кимлар, қандай ижодий гуруҳларнинг келиши кутилмоқда?

— Тўғриси айтганда, ўзбек ва қорақалпоқ ижодкорларининг, санъаткорларининг ўзаро устоз-шогирдлик муносабатлари, турли соҳаларда меҳнат қилаётган истеъдодли халқимизнинг борди-қелдилари ҳамиша, йилдан йилга ривож топиб келаётган. Бу жипселик, меҳнат ва ижод аҳлининг ҳамнафаслиги мустақиллик даврида янада мустаҳкамлашиб, янгича мазмун касб этди.

нинг учун ҳам қорақалпоқ саҳна усталаридан тортиб санъаткорларга, сўз сеҳрлари бўлиш устоз шоир-адиблардан тортиб навқирон ижодкорларгача маданият кунларида фаол қатнашиш ниятидандилар. Бадий жамоалар, эстрада-чолгу усталарининг янги асарлари, рассомларнинг янги полотнолари, кўшиқчилар, рақс санъати гўнчалари, амалий санъатнинг кўли гул вакиллари — бари-бари ўзбек дўстларининг, оғайнларининг дийдорига мунтазир. Демак, мулоқот-ўрашувларда яқин ва узоқ ўтмишда ўтган устоз алло-

тахтимиз Тошкент шаҳри қорақалпоқ халқининг маданияти, санъати, халқ ҳўжалиги учун кўплаб кадрлар етиштириб берган ва бу борада ўзига хос буюк роль ўйнаган шахар. Шунинг учун ҳам қорақалпоқ шоирлари, санъаткорлари ижодида пойтахт Тошкент мавзуси — энг мўътабар, суюкли мавзу ҳисобланади. Юртбошимиз Ислам Каримовнинг: «Ўзбекистоннинг икки пойтахт шаҳри бор, биринчиси — Тошкент, иккинчиси — Нукус», дея қилган лутфларида чуқур маъно яширинган. Бинобарин, қорақалпоқ маданияти намояндлари бу гал ҳам пойтахт Тошкент заминига ширин бир энтикиш билан, соғинч билан қадам қўяжиги шубҳасиз. Уйлайманки, пойтахтимиз Тошкент аҳолиси ҳам қорақалпоқ маданияти кунлари иштирокчиларини меҳр-мурувват билан, ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олади.


— Умуман, Қорақалпоғистон дегадда, дарҳол одамлар кўзи олдида кенг дашту саҳролар, пахтазор ва гуруч отилари билан бирга, сувга зор-нигзор бўлиб ётган Орол денгизимиз ҳам гавдаланади...

— Ҳа, асримиз охирига келиб, Орол фожиаи туфайли аҳвол ўта жиддий тус ола бошлағач, Юртбошимиз Ислам Каримов БМТнинг юксак минбаридан туриб, Орол фожиаи — бир халқ ё битта мамлакатнинг эмас, балки инсоният учун синов эканидан бутун дунёни огоҳ этдилар. Президентимизнинг шу каби меҳрибон нигоҳлари, юксак минбарлардаги сўзлари халқимиз учун энг яхши малҳам-шифо, кўнгилларга юпанч-тасалли бўлиб таъсир қилса, унинг маданияти кунларини ўтказишга бўлган гамҳўр муносабати, халқимизга кўрсатаётган мурувватлари — айтиб ало бўлмас хайрли ишдир. Ҳеч шубҳа йўқки, Қорақалпоғистон халқлари бундай мурувватга фидоий меҳнати билан, садоқат билан жавоб берадилар.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат. Музаффар АҲМАД ёзиб олди.



Қорақалпоғистондаги IX-XI асрларга оид «Қирк қиз» меъморий ёдгорлиги.



ДЎСТ БИЛАН ОБОД ҲАМ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгазининг доимий вакили, Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунларини ўтказиш Ташкилий қўмитасининг аъзоси Кенгесбой Юсупбоев билан мусоҳаба

Президентимиз диёримизга ҳар гал ташриф буюрганларида халқимиз шаънига улуг ҳикматли сўзлар айтиб, кишиларимизни келажакка умид билан қарашга даъват этишлари, ҳаммамиз учун таъсири учмас илҳом бағишлаганлари — меҳнаткашларимизнинг ҳамиша ёдида ва қалбда. Ана эндиликда бундай устоз-шогирдлик, дўстлик-аҳиллик мулоқотларини улкан миқёсда, юксак минбарларда, мўътабар саҳналарда, газета-журналлар саҳифаларида ҳам жаҳонга кўз-кўзлаш фурсати келди. Шунинг учун ҳам, бутун Қорақалпоғистон аҳли, ижодкорлар, санъат намояндлари бу кунларни орзиқиб кутмоқдалар, десам янглишмайман. Республикаимиз маданият муҳлисларининг ёдида бўлса, Қорақалпоғистон ижод аҳли делегацияси ўтган сафар 1993 йилда пойтахтимиз Тошкентга ташриф буюрган эди. Етти йил оз фурсат эмас, бу вақт ичнда қорақалпоқ адиблари, санъаткорлари мустақиллик руҳи, илҳоми билан яшаб, салмоқли ютуқларни кўлга киритдилар. Шу-

малар ёдланади, халқларимиз номини жаҳонга ёйган ота-боболар қаҳрамонликлари хотирланади, дунё маданиятига улус бўлиб қўшилаётган ижодимиз, меҳнатимиз намуналари жаҳон халқларига яна бир бор намойиш этилади. Шу билан бир қаторда мустақиллик давронидан эркин нафас олиб, бунёдкор меҳнат қилаётган халқларимиз буюк келажак сари шахдам интилишлари учун янги илҳом, янги куч-ғайрат топадилар, деб ўйлайман.

— 1993 йилда бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунлари мобайнида пойтахт Тошкент кўчалари янги бир «Нукус» деган ном билан бойинган эди. Бердақ бобомизнинг 1998 йилда бўлиб ўтган таваллуд байрами кунларида Тошкентда шоирга бюст ўрнатилган эди. Демокчиликни, Қорақалпоғистон диёри билан боғлиқ тантаналарда мамлакатимиз юраги бўлиши Тошкент шаҳри ҳар гал ўзига хос акс-садо қайтаради...
— Мулоҳазаларингиз тўппа-тўғри! Пой-

Бойниёз КАИПНАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири

ЮРТБОШИМИЗ

Юрт эгаси, юзида тонг шўғласи,
Халқнинг суяги, шонч-панаси.
Одил бошичи, доноларнинг доноси,
Юртбошимиз эли бошлаб боради.

Алтомчилар юрти Жийдали Бойсун,
Миёнкол, Шўғирқил — юрт донини ёйсин
Турон туғроғида юрт камол топсин,
Юртбошимиз эли бошлаб боради.

Қорақалпоқ, ўзбек — бирга ўсган эл,
Топув яшаб, меҳри кўзга тушган эл,
Исковнинг бахти учун боғлаб бел,
Юртбошимиз эли бошлаб боради.

Яшаган ерлари жаннатдан зиёд,
Оғ-ини бўлаган икки халқ-элат,
Оғизбирчишдан олиб куч-қувват,
Юртбошимиз эли бошлаб боради.

Ишлари — самарли, юзлари ёрқин,
Кўсларга кўтариб давлату донгин,
Энг яхши кунларга етсин деб халқин,
Юртбошимиз эли бошлаб боради.

Ўз соғлиги, кучини бериб халқига,
Қийинларни енгиб-ташлаб ортига,
Жонин фидо қилиб, тушиб олдига,
Юртбошимиз эли бошлаб боради!

ЭЛИМ БЕГАН ЙИГИТЛАР

Тарихларда Дашти Қўчқоқ дейилган
Талай қамаллардан ўтиб келинган,
Бузув энди эркин ўсган элимдан
Чиқайтир элим деган йиғитлар.

Ой нур сочиб, мард онадан тутилган,
Ота-бобо йўлини излаб чоғланган,
Халқи учун бели маҳкам боғланган,
Чиқайтир элим деган йиғитлар.

Ақл олиб ота билан онадан,
Иш ўрганиб тadbиркору дондан,
Яхшиликка йўллар очиб онадан,
Чиқайтир элим деган йиғитлар.

Ҳақни ёқлаб, адолатини излаган,
Юртим дея, сўзин тўғри сўлаган,
Эли ўйлаб, халқ нафсини кўлаган,
Чиқайтир элим деган йиғитлар!

ҚОРАҚАЛПОҚ, ЎЗБЕК — БИРГА ЎСГАН ЭЛ,



Бердақ (Бердимурод Қаргабой ўғли) 1827 йили Орол денгизининг жануб томонидаги ҳозирги Мўйноқ районидида камбағал дехқон оиласида дунёга келди. У ўн ёшида ота-онасидан етим қолиб, амакиси Қўчқорбой тарбиясида бўлади. Ешлигиданоқ кўп қийинчиликлар чангалига тушган бўлгуси шоир қашшоқликда яшаб, уқубатда умр кечирди. У етимликда кун кечиргани учун ҳам эс-ҳушини барвақт таниди. Яхши билан ёмоннинг фарқига борадиган бўлди. Уша замондаги жировлар билан бахшиларнинг, оқинларнинг айтишуварига қизиқиб қолди, улардан таълим олди, ўғитларига қўлоқ солди. Ўн икки ёшидан ўзи ҳам ўланлар айтиб, давраларда қатнаша бошлади.

Бердимурод илк бор Қора-Қум ашон мадрасасида таҳсил кўриб, бир мунча савод чикарди. Фирдавсий, Ғузулий, Навоий, Махтумқули каби классиклар ижод чашмасидан баҳраманд бўлди.

Бердақ XIX асрда, Ўрта Осиёда феодад муносабатлар ҳукмрон бўлган даврда ҳамда бу ўлкаларни чор Россияси забот этган оғир ва мураккаб тарихий шароитда яшаб, ижод этди. Ўз асарларида халқ бахт-саодатини мадҳ этиб, ўзаро тенгсизлик ва зулм-адоватни қаттиқ қоралади. Ҳукмрон табақаларнинг оддий меҳнат кишиларига кўрсатган жабр-зулмларидан гоят нафратланиб, улар хатти-ҳаракатини қораловчи поэтик асарлар яратди. Шоирнинг «Халқ учун», «Умрим», «Бўлмади», «Бу йил», «Яхшироқ», «Бўлган эмас», «Солик» каби шеърлари, «Ойдўсбий», «Эрназарбий», «Аҳмоқ пошшо», «Омонгелди», «Равшан» номли эпик дostonлари фикримизнинг далилидир.

Бердақ чинакам элпарвар ва эркпарвар шоир бўлиб етишди. У халқ бахт-саодатини, меҳнат кишининг аянчли тақдирини, орзу-умидини кўйиниб, жўшиб қаламга олди. Ўз асарларида кишиларни халқ иши учун ҳалол

Халқимиз азал-азалдан қорақалпоқ халқи билан дўст-биродар, жондош-кондош бўлиб келади. Уларнинг санъати, маданиятини юксак қадрлайди, эъзозлайди. Шоиру ёзувчиларининг бебаҳо асарларини кўлдан кўймай мутулаа қилади. Айниқса Қорақалпоғистоннинг сеvimли шоири Бердақнинг номи элимизда маълум ва машҳур.

Хизмат қилишга даъват этди. Шоир ўзининг «Халқ учун» номли шеърда:
Бердимурод, ўйлаб айтдил сўзингни,
Кўтарма лоф уриб фақат ўзингни,
Қизартмағай биров сенинг юзингни,
Қўлдаи келса, хизмат айла халқ учун,
деб ёзиши бежиз эмас.

Халққа ҳалол хизмат қилишни виждон иши деб билган шоир ўз замонасида ҳукмрон бўлган адолатсизликни қаттиқ қоралаб, бой ва феодалларнинг зуравонликларини танқид остига олади.

Адолат йўқ на бегида, на хонда,
Шодлик йўқ ғарибда, фақир инсонда

эъзозлайди ҳамда бахтиёр оилавий ҳаётни тараннум этади.

Бердақнинг йирик поэтик полотнолари «Эрназарбий», «Шажара», «Аҳмоқ пошшо», «Омонгелди», «Равшан» каби дурдоналари ўзининг гоёвий-бадий пишиқ ишланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шоирнинг «Шажара» эпик поэмасида қорақалпоқ халқининг тарихи, уларнинг уруғларга бўлинишлари, XIX аср ўрталаригача бўлган қисматлари қамраб олинган бўлса, «Ойдўсбий» поэмасида Хива хонлигидаги кирдикорлар, виждонсизликлар, ўзаро тенгсизлик ва турли можаролар тасвирланади.

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ИФТИХОРИ

Бебахт ўтмоқдамиз бу кенг жаҳонда,
Ҳамма сирни менга аён кўринди.
деб ёзади шоир ўзининг «Кўринди» номли шеърда. Ноҳақлик ва нопокликини аёвсиз фож этган шоир ўз даврида эъгуликка, озодликка интилади. Ҳукмрон замонадан адолат излайди. Лекин уни топа олмайдди. Шунинг учун ҳам у «Ёз келурми?» номли шеърда меҳнаткаш халқ учун эркин ҳаёт, бахтли турмуш қачон келар экан, деган армон билан кўлга қалам олади.

Жон ачитар қора совук,
Ёз келмасдан бўлди ёвуқ.
Умр бўйи шундай хўрлик,
Фуқарога ёз келурми?

Шоир ижодида ҳукмрон табақаларга бўлган нафрат, ғазаб ўтида ёниш ҳоллари билан бирга халқ гамини ўйлаш, адолатни қуйлаш кенг ўрин олди. Бердақ бахтироқ, икболи нигун хотин-қизлар қисматиға қаттиқ қайғуради. Уларга бағишлаб талай шеърлар ёзади. Бу ўринда унинг «Хурлиманга», «Қизимга насиҳат», «Келинчақ», «Уйланма» каби шеърларини тилга олиш жоиздир. Шоир шу шеърларида хотин-қизларни ўз бахт-саодатлари учун курашга чорлайди. Бир кун эмас, бир кун эрк қўшиб порлаб бахтли онлар келади, деб уларга таскин беради. У «Қизимга насиҳат» номли шеърда ёзади:

Насиҳатим сенга, қизим,
«Ақлим-қисқа, соғим узун» —
Деб ўйлама, айтар сўзим,
Меҳрли бўл, Хурлижоним.
У соф севгини, чин инсоний муҳаббатни

Бердақнинг лирик шеърлари билан сатираларини, эпик дostonлари билан юмористик асарларини кўздан кечирар эканмиз, уларда шоир замон кирдикорларини аниқ англаб, уни ўз асарларида эркин поэтик бўёқларда акс эттири олганининг шохиди бўламан. Уларда қардош қорақалпоқ халқининг аввалги замондаги оғир турмушини, жафокаш ҳаётини қаламга олганлигини, халқ бахт-саодатини оруз қилганлигини яққол кўраман.

Эл-юрт гамини, халқ бахт-саодатини ёниб қуйлаган шоир Бердақ 1900 йили 73 ёшида оламдан ўтади. Лекин унинг эҳтиросли шеърлари, йирик поэтик асарлари халқ орасида шуҳрат топиб, кўлдан-кўлга, тилдан-тилга ўтиб, кенг тарқалди. Шоирнинг ўз халқи тарихининг поэтик соломомасига айланган аjoyиб асарлари фақат қорақалпоқ халқининггина эмас, балки бошқа қардош халқларнинг ҳам маданий бойлиги бўлиб қолди. Бугунги кунда ўзбек, қозоқ, туркман, кирғиз тилларида ҳам шоирнинг охангдор шеърлари баралда янграмоқда. Унинг асарлари кўп сонли муҳлислар қалбидан муносиб ўрин эгаллаган.

Қардош қорақалпоқ халқининг чинакам фарзанди, қорақалпоқ реалистик адабиёти асосчиларидан бири, XIX аср қорақалпоқ поэзиясининг эркин юлдузи Бердақ халқларимиз орасида ҳамиша ардоқланиб келинади ва унинг номи ҳурмат-ифтихор билан ҳамиша тилларда дoston бўлаверади.

Қолдибек СЕЙДАНОВ.

Янги нашрлар «ЖАЙХУН» САҲИФАЛАРИДА

Қорақалпоғистон ҳақиқий маънода ижодкорлар макони. Бу табарруқ юртда туғилиб ўсиб, ўзбек, қозоқ ва туркман, рус тилларида ижод қилаётган қаламкашлар талайгина.

Бугунги кунда республика адабий жамоатчилиги турли тилларда ижод қилаётган Гулистон Матқубова, Каримбой Куронбоев, Мансур Аҳмад, Жумагелди Ашуров, Реимбой Қозоқов, Зулайхо Давлетова, Ғойиб Ёқуб, Робия Йўлдошева, Хидоят Усмон, Раъно Амин қизи, Роза Эгамбердиева сингари қатор шоир ва адиб, журналист ва таржимонлар номини жуда яхши билади.

Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси ана шуларни ҳисобга олиб, ўзбек тилида адабий-бадий журнал нашр этишни мақсадга мувофиқ деб топди. Қорақалпоғистонда яшаб ўзбек тилида ижод қилаётган қаламкашлар асарларини тарғиб қилувчи журнал «Жайхун» деб номланди. Журналга таниқли шоир ва таржимон, республика Вазирлар Кенгазининг масъул ходими Мансур Аҳмад бош муҳаррир этиб тайинланди.

— Ҳозирги кунда ўзбек тилида 10 минг нусхада нашр қилинаётган ушбу журнални бутун республика адабий жамоатчилиги қизгин кутиб олди, — дейди Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмасининг раиси, атоқли адиб Тўленберг Қайбергенов. — Ушбу журнал республикаимиз халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашда, кадрларимизни ўрганишда, Қорақалпоғистонда яшаб ижод қилаётган халқларнинг бадий маданиятини тарғиб қилишда катта роль ўйнайди. Ҳозир журналнинг иккита сони ўқувчилар кўлига етиб борди. Назокат АҲМЕДОВА.

Тошкентда бўладиган Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларига тайёргарлик ҳақида сўзлаб берсангиз.

Халқимиз ҳаётидаги бу улкан маданий тадбир ҳақидаги хушхабар барчамизни севинтирди. Қорақалпоғистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги ушбу улкан тадбирга ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, катта тайёргарликлар кўрди. Бу тарихий аҳамиятга эга тадбирни юқори кўтаринчилик вазиётида ўтказиш учун санъат маҳкамаларида, ижодий уюшмаларда мутахассислар раҳбарлигида тайёргарлик кўрилди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артистлари Нажматдин Ансатбоев, Байрам Матчонов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби К. Заретдиновлар бошчилигида тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Бизнинг санъат ва маданият ходимларимиз жонанжон Тошкент шаҳри аҳолисига ўзларининг истеъдодли юксак ижрочилик савиясини, халқимизнинг бадиий санъатини ҳар тарафлама тарғиб ва ташвиқ қилиб, маданиятимизнинг ривожини ва янада тараккий эътиборини намойиш этади.

Маданият кунлари иштирокчиларининг таркибида таниқли саҳна усталаридан тортиб, истеъдодли ёшлар ҳам иштирок қиладилар. Улар намойиш қиладиган санъат асарлари ранг-баранг репертуардан иборат. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мусикали театрининг ижодкорлари ҳам ушбу тадбирга қизгин ҳозирлик кўрганлар. Айни шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси маданият ишлари вазирлигида ижодий уюшмаларнинг тайёргарлигини махсус назорат қилиш, йўналтириш бўйича махсус штабимиз фаолият олиб бори. Унга санъатимизнинг, адабиётимизнинг ҳурматли оқсоқоллари, катта иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар жалб қилинган эди.

Маданият кунларида бадиий ижод ва санъатнинг қайси йўналишларида асарлар кўпроқ намойиш қилинади?

Халқимизда «Истеъдоднинг қўли олтин» деган яхши мақол бор. Бугунги

қорақалпоқ санъати турли хил соҳалардан иборат. Биз албатта маданият кунларида имкон борида уларнинг барчасини намойиш этишга ҳаракат қилаёلمиз. Қорақалпоғистон давлат мусикали театри, ёш томошабинлар театри ва кўчирчоқ театри, «Ўзбекнаво» гастроль концерт

қали театри жамоаси драматург Кенгесбой Раҳмоновнинг «Инжиқнинг муҳаббати», С. Жакиевнинг «Ота тақдири», ёш томошабинлар театри жамоаси К. Холмуратовнинг «Кўнгил кўланкаси», кўчирчоқ театри ижодий жамоаси М. Бегимовнинг «Меҳнат туби — роҳат», «Ҳийлакор»

дастурлари билан томошабинларни хурсанд қиладилар. Халқимиз орасида машҳур бўлган истеъдодларимиз қорақалпоқ халқ кўшиқларини, рақсларини, кўларини ижро қиладилар, улуг шoirларимиз Бердақ ва Ажиниёз сатрлари билан айтадилар қатор мумтоз ашулаларимиз томошабинларга маъқул бўлади, деган умиддамиз. Шунингдек, бир қатор бутун дунё опера санъати кўрик-танловларида иштирок қилиб, катта ютуқларни қўлга киритган санъаткорларимиз жаҳонга машҳур спектакллардан ариялар ижро қиладилар.

Маданият кунларида давлат музейларининг кўчма кўргазмалари, Нукус шаҳар Ешжон бахши номидаги санъат мактаби ёш рассомларнинг ижодидан намуналар, ҳайкалтарошлик асарлари томошабинларимизга янги-янги завқ-шавқ инъом қилади.

Ҳозирги вақтда бадиий санъат ва маданиятнинг ривожланиши йўлида қандай ибратли ишлар амалга оширилмоқда?

Ота-боболаримиздан «Халқингга хизмат — ўзингга ҳурмат» деган ҳикматли сўз қолган. Қорақалпоғистон Республикаси маданият ишлари вазирлигининг ҳар турли соҳалардаги ижодий ташкилотларда халқимиз орасида яратилган асарларни бадиий тақомилга етказиш, томошабинларга намойиш этиш яхши йўлга қўйилган. Натижада халқимиз бадиий юксак асарларни томоша қилиб, ўзининг маънавиятини бойитмоқда. Вазирлигимиз томонидан ўтказилаётган санъат соҳалари бўйича мусобақаларда, кўрик-танловларда ташкилотчилар халқ истеъдодларини излаб топиб, янги-янги номларни халқимизга танитмоқда. Шунингдек, энг яхши маданият ходимларига, санъатда ўзи истеъдодини намойиш қила олган санъаткорларга, халқ ҳаваскорларига вазирлигимиз томонидан турли хил унвонлар, мукофот ва рағбатлантирувчи ёрликлар тақдим этилмоқда.

Ушбу Тошкент шаҳрида ўтказилаётган Қорақалпоғистон маданияти кунлари ўзбек ва қорақалпоқ халқлари маданий ҳаётида ёрқин воқеа бўлиб қолишига, халқларимизнинг бадиий қадриятларига муносабатини янада ривожлантиришига сабаб бўлади.

МАДАНИЙ ҲАЁТИМИЗДА ЁРҚИН ВОҚЕА

Қорақалпоғистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги Тамара Турдимуротова билан суҳбат



бирлашмасининг Қорақалпоғистон бўлими, «Айқулаш» қорақалпоқ миллий рақс ансамбли аъзолари, таниқли санъат усталари, бадиий ҳаваскорлар жамоатчилиги ва ёш истеъдодларнинг, мусавирлар, бастакорлар, адиб ва ёзувчилардан иборат катта жамоа Тошкент шаҳрида ташриф буюради. Маданият кунларининг қизиқарли ва мазмунли ўтишида театр жамоаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор, албатта. Қорақалпоғистон Давлат мусикали спектаклларини намойиш қилади.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти М. Хўжаниёзов, Ўзбекистон халқ артисти М. Сафоева, Қорақалпоғистон халқ артисти К. Сержонов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Г. Ойимбетова, Б. Каримова, Қозғистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Р. Кутекеева, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Э. Айтниязовлар ўзларининг янги концерт

Мушоира Гулистон ШОМУРОВА СИЗЛАР — ЯНГИ АСР АЗАМАТЛАРИ

Янги авлод, даврнинг азаматлари,
Бул олтин меросга эга бўлгансиз,
Туйноғи қоқилмас хоназодларим,
Сафаринг юлдузга, ойга қўнгансиз!

Дунё халқи қараб, эслари оғиб,
Хавасин келтирсин сулуво давронинг.
Ота-боболарнинг руҳин уйғотиб,
Янграгин жарангли, ўтли суворонинг.

Бутун олам янграб кетсин сасиндан,
Кўнгли қушинг асло, ҳеч янглишмасин.
Мўмиёдай эриб кетсин эшитсан,
Лаззатлар мўла бўлсин, инсон қувонсин.

«Бўлар бола беш ёшидан белгилли»,
Дунё сирларин уқ, очилсин зеҳнинг.
Бор билиминг халқинггадир, элгадир,
Оталар ҳикмати — сабоғинг сенинг.

Оталар ҳикмати — Ватанин сўймоқ,
Ватанга меҳринг тўқ, бергин эътибор.
Элим, юртим дея ёлмоғу қуймоқ,
Шундай фарзандларга Ватан интизор.

Ота макон тупроқлари — тўтиё,
Уғил-қизлар ўсиб, юксалар омон.
Бизлардан қалажак озод бу дунё,
Сизнинг бахтингизга ҳавасда жаҳон.

Она замин бергай меҳрини ийиб,
Мўла ҳосил қўнганга тўлсин майдонлар.
Саҳрода сайр этсин жайрону қийик,
Кўзларини очсин Устюрдда қонлар.

Кенг далалар мисли бахмалдай дўнуб,
Тузли шамолларнинг запти босилсин.
Бир донга урушсин миш донга бўлиб,
Леҳрон ҳосилдан хирмон сочилсин.

Эксанг — бари бунёд бўлади бунда,
Мангай теринг дала бағрига оқсин.
Бош бўлиб ғалаба майдонларинда,
Чавандоз йиғинлар уюлда чопсин.

Сиз — янги асрнинг азаматлари,
Кўзлагинг — юлдуз, замин — пок гилла.
Яннайберсин доим завқ-омадларинг,
Меваларин тўқсин сулуво боғлар ҳам.

Умрингиз гулласин, мартабанг ўссин,
Сўнмасин ҳеч қимнинг ўт ўчоғида.
Сизни кўрган одам «бахтли эл!» десин,
Фарзандлар шон топсин кенг кучоғингда!

Хўжабек СЕЙТОВ

САРАЛАНГАН САТРЛАР

(Тўртликлар)
Куч-қуввати бўлган билан билакда,
Ишнинг кўзин билмаганлар ҳалакда.
Ишбилармон, тадбиркор, мард одамнинг
Қўли баянд, қўнғи — чархи фалакда!

Кўп ишонма фаҳмисизга, ёмонга,
Ишон яхши, бир сўзди, мард одамга.
Ишон, сўзинг қадрин баянд қилмаган
Эркин даврон, мустақиллик замонга!

Яхшининг белгиси — феъл кенг бўлар,
Ёмоннинг белгиси — ақли кам бўлар.
Ишқимас, ҳийлагар шилқим одамлар —
Чада-ярим ўлган билан тенг бўлар.

Мустақил эл-юртим гулланиб мудом,
Ҳақиқий дўст бўлади одамга одам.
Шоду хуррам бўлиб, мангу яшагай,
Бешиқаси болам, оқ соғли онам.

Халқимда ажойиб урф-одатлар бор,
Мард йиғит сўзида турмоғи даркор.
Ёмонга ёндошган, яхшидан қочган
Ҳасрату қайғуга бўлур гирифтор.

Бойқуш келар кўҳна томнинг бошига,
Бақа келар сувнинг оқавасига.
Булоқ мартабани тиллаган одам,
Ёндошди яхшиларнинг қошига.

Не фойда ятсанг қуруқ эл билан,
Ночор одам тенг бўлади чўп билан.
Халқинг учун арзирли иш бажариб,
Мақсадга ҳам етган яхши кўп билан.

Бирлик қочиб, авж олса гар «қов-қов»лар,
Шўрлик юртин талаб кетади ёллар,
Шунча қаттиқ, шунча баянд бўлса ҳам,
Ер силқинса, потраб кетади тоғлар.

«Тоғу тоғини ел бузад», — дейдилар,
«Одамзоғини сўз бузад», — дейдилар.
Бирликнинг уйтқиси яхши сўз ахир,
«Ёмон одам юрт бузад», — дейдилар.

Ҳар гулнинг бўлади очилар вақти,
Меҳнатдан очилар одамнинг бахти.
Бир кеча-кундузни ўйлаб кўрилган,
Ярми қоронғидир, ярмидир ёқти...

Ҳолилла ДАВЛАТНАЗАРОВ

ЖОН ҲАҚИДА СЎЗ

(Чимбойлик уламо Абдувот Мамбетганиев билан суҳбатдан шеърини парча)

Мурожаат қилиб бир донишмандга,
Шундоқ савол бердим ва олим жавоб:
— Тугилган юртидан не ортиқ жонга,
Ҳам қадри тутилса, айланса тавоф?

— Яратувчи бордир сирли дунёни,
Бирон зур қудрат йўқ Оллоҳдан ўзга.
Бандаси беҳаё фикрга бориб,
Тили айланмаса ўзгача сўзга...

— Инсонга берилмиш энг асл ҳаёт,
Қандоқ пайдо бўлар одамнинг жони?
— Бул инъом аввало Ҳақдан иноят,
Ҳам тан олмоқ керак ота-онани.

— Қандай тур-сифат тан унинг маҳрига,
Вужуд деган юртда ул қайси жойда?
— Яхшилар назар сол фарзандларига,
Жонини кўрмоқчи бўлсанг мабод.

— Сўзга ботмас, утнинг ичида ёлмас,
Недир ул, умр бўйи тилмаган жонинг?
— Усиз ҳеч қим ўзлагини англамас,
У сени бор этган халқинг, Ватанинг!..

ТОТУВ ЯШАБ, МЕҲРИ КЎЗГА ТУШГАН ЭЛ



Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мусика театрининг саҳна асари. Асар муаллифи Б. Жакеев. Саҳна-лаштирувчи бош режиссёр Ўзбекистон халқ артисти Нажматдин Ансатбоев. Ролларда Н. Ансатбоев, М. Исмаилова, Т. Қаипназарова, Ж. Соғиндиқова, У. Кўсимбетов ва бошқалар иштирок этадилар.

«ОТА ТАҚДИРИ»

Иккинчи жаҳон уруши барча Урта Осиё халқлари фарзандларига катта қайғу келтирди. Бу офат кичкина қирғиз овулларида бирида яшовчи Оқилбекнинг оиласи тинчлигиниям бузиб, телаларини қайғу-булут қоплади. Унинг ёлғиз ўғли Пулатбек урушга кетди. Қайтиб келмади. Унинг кейинида қариган ота-онаси, синглиси, хотини ва 6-7 ёшдаги ўғли Женисбек зор-зор йиғлашиб қолавердилар. Оқилбек уруш тугаб қолганига қарамасдан ҳамон дарё соҳилига келган кемаларни кўтиб оларди.


қолишни хохлайди. Ноилж Зухра Женисбекни отасига қолдириб кетади. Бу оилада яна бир кулфат пайдо бўлди. Женисбек улғайди, 7-синфда ўқийди. Аммо отасининг эркатойи бўлиб ўсган у тартибсиз, ўқишга ялқов, ҳатто овул болалари билан келишуви яхши эмас, шу боис ўқитувчиси ҳам шикоят қилади. Оқилбек набирасини оқламоқчи бўлади. Женисбек чақонлигини оширади. Отасидан велосипед сотиб олишини талаб этади. Оқилбек унга оиладаги қийинчиликларни, ҳозир велосипедни сотиб олиш оғир тушушини айтади, ақлантиради. Женисбек ўз сўзидан қайтмайди. Ота ўзини туталмасдан бир тарсаки туширганни сезмай қолади, лекин кеч эди. Женисбек уйдан чиқиб кетади. Ота қилган ишига пушаймон еб, болага дўжондан велосипед сотиб олиб келади. Лекин Женисбек аллақачон ойисининг уйига кетиб қолганди.

Ота набирасини ахтариб келади. Зухра болани қайтариб бермайди. Оқилбек келини ва набирасининг ноҳус жойга тушиб қолганини келинининг янги энагасининг хулқ-атворидан, гапларидан пайқайди ва қаттиқ изтироб чекиб қайтиб кетади. Уйига келган Оқилбек жуда сиқилади, кўз ўнгида фронтдан қайтмаган ўғли намоян бўлади. Қизи Мийраш отасининг бу ҳолатини кўриб қаттиқ кўрақди. Шу пайт кўчадан болалар яна бир йиғитнинг — аскар-фронтчининг қайтиб келганини билдириб суюнчи сўрашади. Оқилбек худди ўз ўғли келгандек севинчдан жонланади, ўрнидан турари. Бирдангина дарё томондан кеманинг гудоғи эшитилади. Оқилбек бугун ҳам ўғлини кўтиб олишга дарё бўйига кетади. У ўғлининг қайтиб келишини кутар, уни тириклайин кўриш истагини йўқота олмас, қалбида ўғлининг тириклигига ишончи сўнмас эди...

«КЎНГИЛ КЎЛАНКАСИ»

С. Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрининг асари. Асар муаллифи Қидирбой Холмуратов. Саҳна-лаштирувчи режиссёр Қ. Холмуратов. Ролларда: Жигирбой Абдиев, Озод Ансатбоев, Ҳалима Ибрагимова ва бошқалар.

Қидирбой Холмуратовнинг «Кўнгил кўланкаси» асари асосан учбурчакликка: оила, шахс, жамият учбурчаклигига қурилган. Бош қаҳрамонлардан бири Маждид ўз қайноғаси туфайли қамалиб кетади. Онаси Сулувхон ўғли Соғиндиқни гўдақлигида акаси тасирида болалар уйига топширади. Бош қаҳрамон Соғиндиқ ўз ҳаёт йўлида яхши кўллarga, яъни унга сўнг оталик қиладиган Беипназар, сўнгра ўзбек қариеси, уруш қатнашчиси Қудрат ота қўларига тушади. Ҳаётининг шу тарика йўналиш олишига, етимлик зардобини тортишига сазовор бўлишининг бирдан-бир айбодори, ўз отаси Маждид деб биладиган Соғиндиқни ҳаёт ҳақиқат билан юзмаюз қилади. Асар фарзанд тақдирида отанинг ўрнини биринчи ўринга қўяди.



Ҳайкалтарош Жўлдосбек Қутимуродов устахонасида.



«Чилпик» этакларида қорақалпоқ ёшлари.

Муродбой НИЗАНОВ АЗОНДА ЎЗИМ БОРАМАН

Ҳажвия

— Дада, имтиҳонлардан ўтолмай қолдим.
— Қайсидан?
— Олти имтиҳоннинг тўрттасидан.
— Домларингни мен биламанми?
— Биласиз.
— Бўпти, хафа бўлма, болам. Азонда ўзим бораман.
— Дада, йиқилдим...
— Қайси биридан?
— Фармакология билан диагностикадан.
— Аҳмоқлар! Йиқитадиган одамнинг топибсизлар! Домларингни мен танийманми?

— Танийсиз.
— Бўпти, хафа бўлма. Азонда ўзим бораман.
— Дада, энди нима қиламан?
— Нима бўлди?
— Кеча навбатчилигимда бир бемор келган эди, текшириб укол қилдим, шундан бери ўзига келмай ётибди.
— Астағфурилло... Ким у ёзи, мен танийманми?
— Танийсиз. Кўпдан бери амалдор бўлиб ишлаб келатган экан...
— Бўпти, хафа бўлма, болам. Азонда ўзим бораман...

ШАРҚ ДУРДОҲЛАРИ



- ◆ Фазилат бўлмаган ерда фахр-шараф бўлмайди.
- ◆ Бахтиёрлик осойишта қалбга эга бўлиш билан вужудга келади.
- ◆ Дил оғритувчи бўлиш осон, аммо дилнавоз бўлиш ҳар кимнинг қўлидан келмайди.
- ◆ Инсон учун энг фойдали ҳол ўз қадрини ва ақлининг даражасини билиб, шунга кўра иш олиб боришдир.
- ◆ Ҳасад тинни куйдиради ва қайғуни ортиради.
- ◆ Хар кимга хушмуомалали бўл, тилнинг азобидан мусибатлар туғлади.

ҲИКОЯТ: Қадимда бир донишманд ўз устозидан сўради:

- Дунёда энг яхши киши ким? Устози жавоб берди:
- Одамларга фойда етказган киши.
- Яна сўради:
- Қандай кишини саҳий деб айтиш керак? Саҳий одам эҳсон қилганига шодланади, пушаймон бўлмайди, – деб жавоб берди устози.

БАЙТ:
Бас оний инсон атағи бериб,
Ким ишидир шукр ила сабру ҳаё.

◆ Айтир сўзи бўлмаган одам – гапдан тинмайди.

- ◆ Эзмалик ақли пастлик белгисидир.
- ◆ Бекорчи одамлар сергап бўладилар.
- ◆ Рустам Золдан:
- Сен жуда кучли пахлаван одамсан, чарчашнинг нима эканини билмайсан, лекин чарчаган вақтинг бўладими? – деб сўрадилар.

Рустам шундай жавоб берди:

- Нодон ва эзма киши билан сўхбатдош бўлган вақтда жуда ҳам чарчаб, ҳолсизланиб қоламан.

БАЙТ:
Айтир сўзи айт,
Айтмас сўзди қайт.

НАВОИЙ.

- ◆ Илм ҳеч йўқолмайдиган буюк ҳазина, ақл эса эскирмайдиган янги либосдир.
- ◆ Тўрт нарса тўрт нарсага – обрў – одобга, шодлик – хотиржамликка, дўстлик – муҳаббатга, ақл – тажрибага мутождир.
- ◆ Афлотун ҳаким айтади:

- Баданининг қуввати – овқат, ақлнинг – қуввати эса ҳикматли сўзлар, донолик ва донишмандликдир. Агар ақл шулардан маҳрум бўлиб қолса, овқатсизликдан бадан ҳалок бўлгани каби ҳалок бўлади.

БАЙТ:
Ақдан тамғиллик, шодлик, ўқтамлик,
Ақдан борлиғу йўқлиғу камлик.

ҲИКОЯТ: Искандар Зулқарнайн ўзига яқин кишилардан бирига кўнглида яшириб юрган бир сирини айтиб, уни сақлашни, ошкор қилмасликни қайта-қайта таъкидлаган эди. Лекин у Искандарнинг шартини узоқ сақлай олмай, ичи пишиб бир дўстига айтиди. Дўсти бир кишига, у яна бир кишига айтиди. Шундай қилиб сир ҳаммага ошкор бўлди.

Сирини ошкор бўлганидан ортиқ даражада ғазабланган Искандар устозини Арастуга:

– Эй, ҳаким, кишининг сирини фош қилганга қандай жазо бериш керак? Мен фалон кишига сирини айтган эдим, у киши сирини сақлай олмай ошкор қилган. Мен энди унга жазо бермоқчиман, сиз бунга нима дейсиз? – деди.

Арасту ҳаким айтиди:

– У кишига жазо беришга ҳақинг йўқ. Ўзинг айбдорсан, сирингни ўзинг сақлай олмай, юрагинг тошиб кетиб, биринга ошкор қилгансан. Ўзинг сақлай олмаган сирини бошқа киши қандай сақлай олсин, – деди.

БАЙТ:
Чун ўзинг сирингга маҳрам бўлмадинг,
Ўзгалар гар асрамас йўқ бир ажаб.

- ◆ Дунёда ҳалол одамдан буюкроқ зот йўқ.
- ◆ Ҳалоллик ҳар қандай мартабани беэади.
- ◆ Ҳалол яшаганингни сезиб юрсанг ҳаёт нашлави ва ширин туюлади.
- ◆ Бир умрга бахтли бўлишни истасанг ҳалол одам бўл.
- ◆ Ўзини тия билган ҳалол одам олғир, учарларнинг бутун найрангларини яққол кўриб туради.

ҲИКОЯТ: Ўтган замонда Қодир исмли кишининг шаҳардан ташқарида бир парча ери бор эди. Қодир хар йили шу ерига экин экиб, ундан олган ҳосилига қаноат қилиб, бола-чақаси билан умр кечирарди. Бир кун баҳор пайтида ерини ҳайдаб ишлаб турган эди, бир ўғри келиб унинг пешона тери тўкиб ишлаётганига қараб турди. Кейин яқин келиб, у билан кўришиб айтиди:

– Сиз камбағал бир кишига ўшайсиз, кийган кийимингиз бундан далолат бериб турибди. Оёқ-яланг ишлаб турибсиз, оёқ кийимингиз йўқ бўлса керак. Ерингиздан чиққан ҳосил билангина албатта оилангизни яхшироқ таъмин қилолмайсиз, деб ишонаман. Мен билан бирга юринг, пулингиз қўпаяди, – деди.

Қодир унинг таклифини эшитиб:

– Йўқ, мен паст, ярамас одам бўлишни истайман. Ифлос йўллар орқали пул топиб бойишдан нафратланаман. Ҳалол меҳнат қилиб, пок одам бўлиб яшашни истайман. Қалбим ифлос ишлар билан бўлганмасдан оёқ яланг юришим сизнинг нафратли ишингиздан минг марта аълодир. Англадингизми? Сизга ҳам маслаҳатим бу ярамас ишдан воз кечиб, мен каби ҳалол меҳнат қилинг. Шунда фароғатли умр кечирасиз, – деди.

Ўғри ўйлини қолди.


БАЙТ:
Берма озор кишига, қилма ўғирлик зинҳор,
Ўғри доим чекадир ранжу ўқубатлар бисёр.

ФИРДАВСИЙ.
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ тўплаган.

Мусаввир ранглар билан куй яратувчидир. Унинг асарлари овозсиз куй-ғазалга ўхшайди гўё. Ижодкорнинг буюклиги ҳеч кимга ўхшамаганлигида эмас, балки ҳеч ким қила олмаган ва қилиши мумкин бўлмаган ишларни бажаришида. ўз ижодий фаолияти билан тақдорланмас мўъжиза, доимий нур сочиб турувчи ҳазина сифатида гавдаланишида. Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзо ана шундай тақдорланмас мўъжиза яратувчи, сехрли мўйқалам соҳиби, қалбига доимо турфа ранглар жилоси куйилиб келаётган истеъдодли мусаввирлардан.



Кўрғазмалар ТУРФА РАНГЛАР ЖИЛОСИ



Хабар берганимиздек, пойтахтимиздаги Киночилар уйининг кўрғазмалар залида таниқли рассом, Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ рассоми, Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофоти совриндори, профессор Алишер Мирзонинг шахсий кўрғазмаси очилди. Кўрғазмадан рассомнинг 60 га яқин рангтасвир асарлари ўрин олган. Унинг «Қуз мевалари», «Хотира», «Сўқок кўчаси», «Кумуш Тошкентда», «Тоғларда қуз», «Келинчақ» сингари асарларида она Ватан, табиат, инсонлар қиёфаси мейбўёқларда ёрқин ва ҳозибали акс этирилган. Шунингдек, рассом асарларида миллийлик моҳирона ифодаланган, портретларидаги алван ранглар, бетакор қиёфалар киши диққатини ўзига тортмай қўймайди. Бу ҳақда кўрғазмага ташриф буюрган ҳам-шаҳарларимизнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам сөзшиб мумкин.

Бахриддин НАСРИДИНОВ, санъатшунос:
– Рассомлар бўладики, уларнинг асарлари рўпарасида туриб, бир назар ташлаб ўтиб кетаверасан. Аммо шундай рассомлар борки, улар яратган асарларини кўрганда диққат-этибор кўзи билан гўё михланиб қолгандек бўласиз, хаёлларга чўмиб, ҳис-туйғулар оғушида қоласиз. Асар яратувчининг ҳам боғининг, ҳам зоҳирий туйғуларини билан ошно бўласиз. Халқ рассоми Алишер Мирзонинг матодати рангтасвир асарлари у пейзаж бўладими, портрет бўладими, мана шундай уйларида чўмдирадиган асарлардир. Алишер ўз йўли, ўз хаёли, ўз тафаккури дунёсига эга бўлган бетакор ижодкор ҳисобланади.

Тошпўлат ТУРСУНОВ, санъатшунослик фанлари доктори:
– Алишер мен севган рассомлардан бири. Уни ижодининг бошланишидан кузатиб келаман. Рассомнинг ўзига хос мўйқалами, рангларнинг тиниқлиги, лирик фалсафий мушоҳадаси кишини ўйлантириб қўйди. У ҳаётга муносабатини ранглар жилосида ифода этади. Бу салоҳиятли, ўзига хос беназир мўйқалам соҳибининг асар-

ларини вужуд кўзи билан кўриш даркор. Ҳақиқатда, Алишер Мирзо яратган сермахсул ва бебаҳо асарлар на фақат республикамизда, балки жуда кўп хориж давлатларида ўз муҳлисларига эга. Рассомнинг қатор асарлари Германия, Россия, АКШ, Франция, Италия, Люксембург, Испания, Болгария, Япония, Ҳиндистон, Мўғулистон, Югославия ва бошқа давлатлар музейлари ва шахсий коллекцияларида сақланмоқда. Кўрғазмалари муваффақият қозongan.

Айни кунларда кўрғазмага ташриф буюрган санъат шайдолари рассом мўйқалами билан яратилган турли мавзудаги энг сара, жозибали ва нафис асарлари билан танишишга мурсас бўладилар.

Дилором ИКРОМОВА, СУРАТЛАРДА: таниқли мусаввир, академик Алишер Мирзонинг Киночилар уйининг кўрғазмалар залида очилган шахсий кўрғазмасидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Суратли ахборот МУНОСИБ ТУҲФА

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тизимида бошланган ислохотлар ҳуқуқ-тартибот хизмати фаолиятига кўп ижобий ўзгаришларни олиб кирмоқда. Янги кийим-бош ва сезиларли даражада ёшарган таркиб орқали нафақат пойтахт милициясининг ташқи қиёфаси ўзгарди, балки унинг ички тизими, энг муҳими, кишиларнинг ўз ишига бўлган муносабатлари ҳам янгича тус олди.

Шахсий таркиб учун ишлаш ва ҳордиқ чиқаришнинг керакли шарт-шароитларини яратиш – шаҳар милицияси раҳбарияти диққат-этиборида турадиган муҳим масалалар қаторига киради. Бу ерда қачони иш кўриш имкон қадар оқилона ташкил этилса ва керакли шароитлар туғдирилсагина ҳар бир киши бутун кўч-маҳоратини сарфлаган ҳолда меҳнат қилишини яхши тушунишиди. Албатта, авваламбор бу ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борасидаги энг муҳим омиллардан бири бўлиши теҳник жиҳатдан жиҳозланиш демакдир.

Кейинги пайларда пойтахт милицияси хизмат хоналарининг кўпчилик қисми таъмирланди, замонавий техника ва мебеллар билан жиҳозланди.



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Йўловчиларни ташиш бўйича хизматларни кўрсатувчи барча корхоналар, жисмоний шахслар диққатига!

- 41м – «Бўзбозор» автобекати – Белоножко кўчаси»
- 43м – «Бўзбозор» автобекати – Югнакий даҳаси»
- 22м – «Метронинг «Пахтакор» бекати автобекати – Фарҳод бозори»
- 39м – «ТТЗ автобекати – Улғуржи бозор»
- И-10 – «Юнусобод даҳаси 19-мавзе – Отчопар бозори»
- И-4 – «Метронинг «Чорсу» бекати автобекати – Отчопар бозори»
- И-16 – «Кадिशев автобекати – Отчопар бозори»
- 24м – «Метронинг «Чорсу» бекати автобекати – «Уриқзор» даҳаси»
- 41м – «Бўзбозор» автобекати – Белоножко кўчаси»
- 43м – «Бўзбозор» автобекати – Югнакий даҳаси»
- 22м – «Метронинг «Пахтакор» бекати автобекати – Фарҳод бозори»
- 39м – «ТТЗ автобекати – Улғуржи бозор»
- И-10 – «Юнусобод даҳаси 19-мавзе – Отчопар бозори»
- И-4 – «Метронинг «Чорсу» бекати автобекати – Отчопар бозори»
- И-16 – «Кадिशев автобекати – Отчопар бозори»
- 24м – «Метронинг «Чорсу» бекати автобекати – «Уриқзор» даҳаси»

Тошкент шаҳридаги йўналишларда йўловчиларни ташишни ташкил қилувчи комиссия 2001 йил 25 январда йўловчи транспортда хизматларни кўрсатиш учун шартномани имзолаш ҳуқуқини берувчи тендер танловини ўтказди.

Тендерга маршрутли такси ва автобус йўналишларининг қуйидаги рақамли йўналишлари қўйилди:
– 15 – «Кўйлик-1 даҳаси автобекати – метронинг Чкалов бекати автобекати»
– 6 – «Метронинг «Машинасозлар» бекати автобекати – Фалабанин 40 йиллиги даҳаси»
– 27 – «Метронинг «Чорсу» бекати автобекати – 42-поликлника»
– 32 – «Жанубий» вокзал автобекати – метронинг «Чорсу» бекати автобекати»
– 50т – «Кўйлик-Буюк ипак йўли автобекати – Сайрам автобекати»
– 41 – «Чилонзор 25-мавзе автобекати – метронинг «Чилонзор» бекати автобекати»
– 10 – «2-Тошкент тиббиёт институти – метронинг Чкалов бекати автобекати»
– 66 – «Сергели шаҳарчаси – «Тошкент» вокзали автобекати»
– 31 – «Метронинг «Беруний» бекати автобекати – Жарариқ даҳаси»
– 105 – «Белоножко автобекати – «Бўзбозор» автобекати»

«ОЙНА» МАҚОМ» ДА

Якшанба, 17

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 8.00-8.35 «Ахборот»
- 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
- 9.05 «Жайқун тароналари». Концерт.
- 9.30 «Ғаройибот».
- 9.45 «Умид» ахбороти.
- 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
- 11.00 «Яши ниёт».
- 11.35, 12.20 ТВ-мега
- 11.40 2000 йил – Соғлом авлод йили. «Бола бошидан».
- 12.00 «Хамшахарлар».
- 12.25 «Цирк! Цирк! Цирк!».
- 12.45 «Дил номалари». Мусикий дастур.
- 13.15 «Туйлар муборак». Бадий фильм.
- 14.20 «Мозидан бир мўъжиза».
- 14.35 Кино янгиликлари.
- 14.50 «Спорт» дастури:
- 14.50 Волейбол бўйича Ўзбекистон кубоги. Финал.
- 15.20 «Спорт уик-энд».
- 15.40 «Ўлмас мерос». Ш. Бурқонов.
- 16.40 Рамазон ойингиз муборак! 17.05 «Келин-кув». Телешоу
- 18.05 «Олтин тоғ». Телевизион ўйини.
- 18.25 «Туртинчи ҳокимият». Таҳлилий курсатув.
- 18.45 «Музыка бекати».
- 18.55 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув.
- 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
- 19.30 «Тахлинома» (рус тилида)
- 20.05 «Оламга савҳат».
- 20.30 «Тахлинома».
- 21.15 «Қишба оқшомида». Муҳим дам олинди дастури.
- 21.45 Рамазон турфаси «Ох афсонаси» Бадий фильм.
- 23.20 «Олам футбол».
- 23.45 ТВ-анонс.
- 24.00 «Аёл таровати». Бадий фильм. 2-қисм.
- 20-1.25 Ватан тинсоллари.
- 7.55 Кўрсатувлар дастури.
- 8.00 «Давр тоғи».
- 9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтма», «Мультимоша».
- 9.35 «Футбол».
- 9.55, 13.20, 14.25 «Мусикий лаҳзалар».
- 10.05 «Ешлар овози».
- 10.25 Болалар эрини. «Самсон ва Салли». Мультифильм.
- 11.25 «Ешлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Мирод-майдон». 2. «Аскар мактублари». 3. «Аскар ханомалари».
- 12.15 «Санга». Бадий фильм. 3-қисм.
- 12.40 «Қишлоқдаги тенгдошим».
- 13.30 Қорақалъонинг Республикаси маднинг кунлари. Бонидун Боймирзаев «Дуоибод». Бердик номидида Қорақалъоқ Давлат драма театрининг спектакли. 2-қисм.
- 14.35 «Динозаврлар билан сайёр». Телесериал. 6-қисм.
- 15.05 «Яхшиям дам олинг».
- 15.30 «Армонли дунё». Бадий фильм.
- 17.00 «Тафаккур ёлқинлари».
- 17.20 «Умр дафтари». Ботир Зокиров. 3-қисм.
- 17.45 Кўрсатувлар дастури.
- 17.50 «Янги авлод» почтаси, «Уд вазиёш». «Мультимоша».
- 18.25 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
- 18.45 «Оқшом наволари».
- 18.55, 21.55 «Иқлим».
- 19.00 «Давр»-news.
- 19.15 «Бу кунки лаҳзалар».
- 19.35 «Якшанбада кўришунча».
- 19.50 «Кўча оҳанглари». Шомаҳ
- 9.00 «Тоғни пойтат».
- 9.50 «Омид» тележурнали.
- 10.10 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
- 10.50 2000 йил – Соғлом авлод йилида телеканида.
- 12.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
- 13.00 «Дорихона зиннати».
- 13.35-14.00 «Санерамиз бўйлаб». 59-қисм.
- 9.00 «Тоғни пойтат».
- 9.50 «Омид» тележурнали.
- 10.10 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
- 10.50 2000 йил – Соғлом авлод йилида телеканида.
- 12.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
- 13.00 «Дорихона зиннати».
- 13.35-14.00 «Санерамиз бўйлаб». 59-қисм.
- 9.00 Кўрсатувлар тартиби.
- 9.05 «Тоғ» дастури.
- 10.05 «Эрталарнинг сехри олами».
- 10.45 «Парле в франсе?».
- 12.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
- 12.20 «Болалар олами».
- 12.40 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили)
- 12.50 «Клип-антракт».
- 13.00 Кинематограф. «Бокиралик асри». Бадий фильм.
- 14.30-15.35 «Дўстлик» видеоканали: «Анчурек», «Дидар», «Машиқ оҳанглари».
- 17.30 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.45 «Катта бизнес». Бадий фильм.
- 20.15 Алсунинг биринчи концерт дастури.
- 21.15 «Бизнес-реву».
- 21.25 «Кардон сарой» шоу дастури.
- 22.10 Кинематограф. «Шамолларда қолган хисларим» Бадий фильм. 2-қисм.
- 00.05 «Ташлинома (рус тилида)».
- 00.35 «Унингиз осуда бўлинг».

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилми: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи – 209. Ҳажми – 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларга почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га – 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.